

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ
КҮМИТАСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ
ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ РАИСИ



И. БОҚИЖОНОВ

» Февраль 2021 й.

ДАСТЛАБКИ МАЛАКАНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИ

(Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича икки босқичли тендерни биринчи босқичи учун қўлланилади)

ДАВЛАТ-ҲУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ

Лойиҳа (тендер) номи:

«Андижон вилояти Андижон шаҳар, Асака, Олтинкўл ва Андижон туманларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик (ДХШ) шартлари асосида бошқариш»

ДХШ объектининг жойлашуви:

Андижон вилояти Андижон шаҳар, Асака, Олтинкўл ва Андижон туманлари

Давлат шериги:

Андижон вилоят ҳокимлиги

Давлат шериги:

Андижон вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси

Тендер ташкилотчиси:

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси
Манзил: Тошкент, Яшнабод тумани, Тўйтепа кўчаси 2а, 100047,
тел.: (99871) 207-07-70 (5003#)

Тошкент ш. - 2021 йил

1. Асосий тушунчалар

1. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси учун мазкур тендер ҳужжатларида қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

- 1) **Давлат-хусусий шериклик** (кейинги ўринларида - ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жихатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;
- 2) **ДХШ лойиҳаси** - давлат-хусусий шерикликка асосланган маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳаси;
- 3) **ДХШ лойиҳасининг концепцияси** – давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат;
- 4) **ДХШ объекти** – қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ шартлари асосида амалга ошириладиган маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма;
- 5) **давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва вилоят (туман) ҳокимлиги (кейинги ўринларида – давлат шериги);
- 6) **хусусий шерик** – яқка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик фаолияти субъекти (юридик шахс) ва шундай субъектларнинг бирлашмаси (консорциум);
- 7) **тендер** - ДХШ лойиҳаси доирасида соддалаштирилган рақобат тартибларидан фойдаланиб хусусий шерикни танлаш бўйича очик тендер;
- 8) **дастлабки малакани аниқлаш ҳужжатлари** – Дастлабки малакани аниқлаш шартлари ва тартибини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ва тендер ташкилотчиси томонидан малака ҳужжатларини тайёрлаш ва ДХШ Тендернинг биринчи босқичда қатнашиш учун потенциал хусусий шерикларга тақдим этилган ҳужжатлари;
- 9) **тендер ташкилотчиси** - Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
- 10) **тендер комиссияси** - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси;
- 11) **мезонлар** – давлат-хусусий шериклик асосида маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳасининг тендер ҳужжатларида белгиланган тендер ғолибларни танлаш мезонлари;
- 12) **битим** – тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссияси қарори асосида тендер ғолиби билан тузиладиган ДХШ асосида маиший чиқиндиларни бошқариш тўғрисидаги битим;
- 13) **лойиҳани баҳолаш ҳужжати** (кейинги ўринларида – ЛБХ) – лойиҳанинг қийматини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технологик ва лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лойиҳа ҳужжати;

- 14) **талабгор** – ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича қизиқиш билдирган, тендерда иштирок этиш учун ариза (тендер таклифини) тақдим этган якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс;
 - 15) **тендер ғолиби** – тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун танланган буюртмачи.
 - 16) **заҳирадаги ғолиб** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор.
2. Тендер ҳужжатларида қуйидаги қисқартмалар қўлланилади:
- 1) **Давлат экология қўмитаси** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
 - 2) **Агентлик** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги;
 - 3) **Қонун** - Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни (кейинги ўринларида – Қонун);
 - 4) **Низом** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарорига мувофиқ тасдиқланган "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом" (кейинги ўринларида – Низом).

2. Умумий қоидалар

3. Маъшиий чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ДХШ лойиҳаси учун дастлабки малакани аниқлаш ҳужжатлари потенциал хусусий шерикларга тендернинг биринчи босқичида иштирок этиш шартлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш учун мўлжалланган.

4. Мазкур тендер Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, тартиби ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади.

5. Тендерда иштирок этиш учун Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ потенциал хусусий шерик қуйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

- ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши;
- давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга доир мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ва (ёки) моддий, техник ресурсларга ва (ёки) малакали меҳнат ресурсларига эга бўлиши;
- мавжудлиги манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларга эга бўлмаслиги.

Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ва (ёки) банкротлик босқичида бўлган талабгорларнинг тендерда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

6. Дастлабки малакани баҳолаш бўйича ташкилий маълумотлар 1-иловада келтирилган.

7. ДХШ лойиҳасини қисқача тавсифи ушбу ҳужжатларининг 2-иловасида келтирилган.

3. Потенциал хусусий шерикнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Потенциал хусусий шерик ўз маблағлари ва қарз маблағлари билан ДХШ лойиҳасини молиялаштириш ҳуқуқига эга.

9. Тендер ташкилотчиси Потенциал хусусий шерикка қонунда назарда тутилмаган малака талабларини қўйишга ҳақли эмас. Потенциал хусусий шерик малака талаблари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларини тақдим этмаслик ҳуқуқига эга.

10. Потенциал хусусий шериклар талаб қилинадиган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни таклифларни очилиш учун белгилаган сана ва вақтидан олдин такдим этишлари шарт.

11. Тартибга мувофиқ потенциал хусусий шерик ўзининг малакавий талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича Тендер ташкилотчиси томонидан такдим этилган шакл бўйича келтирилган ҳужжатларни Тендер ташкилотчисига такдим этади.

12. Потенциал хусусий шерик, малака талабларига мувофиқлиги тўғрисида ёлғон маълумот такдим этган тақдирда, суд томонидан адолатсиз потенциал хусусий шерик деб тан олинган кундан бошлаб кейинги уч йил давомида хусусий шерикни аниқлаш бўйича тендерда иштирок этиш учун рухсат берилмайди.

13. Потенциал хусусий шерик томонидан такдим этиладиган малака талаблари тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлиги тендернинг исталган босқичида комиссия, тендер ташкилотчиси ёки ваколатли давлат органлари томонидан белгиланиши мумкин.

14. Потенциал хусусий шерик томонидан такдим этиладиган малака талаблари тўғрисида сохта маълумотларни такдим этиш фактини аниқлаганда Тендер комиссияси иштирокчини тендердан четлаштиради.

15. Тендер иштирокчилари консорциум шаклида иштирок этган тақдирда:

- етакчи компания ушбу ҳужжатда кўрсатилган дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун қуйидаги талабларига тўлиқ риоя қилиши шарт (санитар тозалаш соҳага оид махсус тажриба ва асосий мутахассислар малакаси);
- консорциумни етакчи ва қолган аъзоларининг 5-иловада кўрсатилган бошқа талабларга нисбатан умумий имкониятлари ҳисобга олинади.

4. Тендерда иштирок этиш билан боғлиқ чекловлар

16. Потенциал хусусий шерик қуйидаги ҳолларда тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, агар:

- ушбу Потенциал хусусий шерикнинг раҳбарларини яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи ёки қариндошлари ва / ёки ушбу потенциал хусусий шерикнинг ваколатли вакили хусусий шерикни аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ёки тендер комиссияси аъзоси;
- баланс қиймати тегишли асосий воситалар қийматининг ўн фоизидан ортиқ бўлган Потенциал хусусий шерикнинг мулки мусодара қилинган;
- Потенциал хусусий шерик ижро ҳужжатлари бўйича катта мажбуриятларга эга ва ижро ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан киритилган;
- Потенциал хусусий шерикнинг картотека №2, банк ссудалари бўйича қарздорлиги мавжуд ҳолатда;
- Потенциал хусусий шерикнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти қонун ҳужжатларига ёки Потенциал хусусий шерикнинг-Ўзбекистон Республикасининг норезидентининг ҳолати тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатилган.

17. Потенциал хусусий шерик ва потенциал хусусий шерикнинг боғлиқ шахслари хусусий шерикни аниқлаш учун бир хил тендерда иштирок этишга рухсат берилмайди.

5. Дастлабки малакани аниқлаш учун такдим қилинадиган ҳужжатлар

18. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича дастлабки малакани аниқлаш босқичида талабгорларнинг малакасини баҳолаш учун қуйидаги ҳужжатлар такдим этилади:

- Юридик шахс рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;

- Юридик шахс Низомнинг нусхасини тақдим этади. Консорциум иштирок этган тақдирда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 53-боби бўйича юридик шахс бўлмаган оддий шериклик) Низомнинг нусхаларини консорциумнинг барча иштирокчилари томонидан тақдим этилади.

19. Консорциум (оддий шерикчилик) шаклидаги жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг бирлашмалари танловида иштирок этган тақдирда, унинг иштирокчилари ўз мадақа талабларини тасдиқлаш учун 3 ва 4-иловаларда белгиланган ҳужжатлардан ташқари қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилади:

- консорциум шаклидаги Потенциал хусусий шериклар ўзининг аризасида қўшимча тарзда консорциумнинг барча таъсисчилари номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати консорциум ташкил этиш тўғрисидаги шартнома асосида етакчи компанияга юклаганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини тақдим қилади;
- консорциум ташкил этиш ва қўшма фаолияти тўғрисидаги шартноманинг асл нусхаси, шу жумладан, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун биргаликдаги ва алоҳида жавобгарлик шартлари.

6. Тақдим этилган ҳужжатларни расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби

20. Дастлабки малакани аниқлаш босқичида Потенциал хусусий шерикларнинг малакасини баҳолаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати 4-иловада келтирилган. Талабгорларнинг барча малака аниқлаш ҳужжатлари ушбу ҳужжатда кўрсатилган тақдим этиш охириги муддати тугашидан олдин боғланган ҳолда, ҳар бир варағи рақамланган ва кўл қўйилган ҳолда, охириги варақ эса ваколатли шахс имзоси ва корхонани муҳр билан тасдиқланган ҳолда, муҳрланган конвертда тақдим қилинади.

21. Конвертни Тендер ташкилотчисига тақдим қилинади ва унда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлиши лозим:

- Потенциал хусусий шерикнинг тўлиқ номи ва почта манзили (агар "кеч" деб эълон қилинган бўлса, тендер аризасини очилмаган ҳолда қайтариш мақсадида);
- Тендер ташкилотчисининг тўлиқ номи ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, манзил: 100047, Тошкент, Яшнобод тумани, Тўйтепа кўчаси, 2а-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (5003#), хона 203;
- Тендер номи: «Андижон вилояти **Андижон шаҳар, Асака, Олтинкўл ва Андижон туманларида** каттиқ маънавий чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш»;
- Шунингдек сўзлар: 2021 йил «___» _____, соат __:00гача қадар очилмасин.

22. Дастлабки малакани аниқлашда иштирок этиш учун аризалар Потенциал хусусий шериклар ёки уларнинг ваколатли вакиллари томонидан тендер ташкилотчиси қўлига ёки рўйхатга олинган почта орқали тақдим этилади.

23. Тендер ташкилотчиси дастлабки малакани аниқлашда иштирок этиш учун аризаларни:

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган конвертларни қабул қилади ва уларни тендер таклифлар реестрига киритади;
- тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган аризани ўзгартириш ва қўшимчалар қабул қилади;

- тақдим этиш муддатидан олдин олиб қўйилган бўлса, уларни қайтарилишини таъминлаш.

24. Потенциал хусусий шерикнинг дастлабки малакасини аниқлашда иштирок этиш учун аризаларни рад этилган ҳоллар, қачонки:

- талабгор илгари ушбу тендерда қатнашиш учун аризани тақдим этган бўлса;
- малакани баҳолаш учун аризаларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг ариза тақдим қилинган бўлса.

6. Дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантириш

25. Тендер ташкилотчиси ҳужжатларни тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб Потенциал хусусий шерикларнинг дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолашни амалга оширади.

26. Потенциал хусусий шерик малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талабларига риоя этмаган ҳолда, Тендер комиссияси мазкур хусусий шерик малакасини баҳолашни мавжуд бўлган ва тақдим этилган ҳужжатлар бўйича амалга оширади.

27. Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлар 5-иловада келтирилган. Дастлабки малакани баҳолаш натижаларига кўра минимал 60 (олтмиш) балл тўплаган талабгорлар, тендер танловининг иккинчи босқичига қўйилади.

28. Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш натижалари қабул қилингандан сўнг, тендер ташкилотчиси иккинчи босқичга ўтган хусусий шерикларга 5 (беш) иш куни мобайнида хабар беради ва тендер таклифларнинг сўровини юборади.

29. Малакавий тендердан ўтган хусусий шериклар тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади.

Дастлабки малакани баҳолаш бўйича ташкилий маълумотлар

№	Кўрсаткич номи	Маълумотлар
1	Тендер ташкилотчиси	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Манзил: Тошкент ш, Яшнабод тумани, Тўйтепа кўчаси 2а-уй, 100047 Телефон: (99871) 207-07-70 (5003#)
2	Дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатларини тақдим этиш жойи, санаси ва вақти	Манзил: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, манзил: 100047, Тошкент ш, Яшнобод тумани, Тўйтепа кўчаси, 2а-уй, хона №203. Сана: 2021 йил « ____ » _____ Вақт: 00:00
3	Дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлар қўлинган конвертларни очиш жойи, санаси ва вақти	Манзил: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, манзил: 100047, Тошкент, Яшнобод тумани, Тўйтепа кўчаси, 2а-уй, хона №203. Сана: 2021 йил « ____ » _____ Вақт: 00:00
4	Аризани тақдим қиладиган тили	Ўзбек тили
5	Алоқа ва мурожаат учун маълумотлар	Манзил: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, манзил: 100047, Тошкент, Яшнобод тумани, Тўйтепа кўчаси, 2а-уй, хона №203. Телефон: (99871) 207-07-70 (5003#) Электрон почта: m.xursanov@uznature.uz
6	Дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари бўйича саволлар билан мурожаат қилиш охириги муддати	Дастлабки малакани баҳолаш бўйича ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги муддати 7 календар кун олдин.
7	Дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари	Ёпилган ва муҳрланган конвертда, қоғоз шаклида, 1 та асл нусхада тақдим этилади.

ДХШ лойиҳасининг қисқача тавсифи

№	Кўрсаткич номи	Маълумотлар
1	ДХШ лойиҳасининг номи	Андижон вилояти Андижон шаҳар, Асака, Олтинкўл ва Андижон туманларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш
2	ДХШ объекти	Қурилиши ва эксплуатацияси ДХШ лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган Андижон вилояти Андижон шаҳар, Асака, Олтинкўл ва Андижон туманларида маиший чиқиндиларни йиғиш, олиб ташлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма
3	ДХШ объектининг жойлашуви	Андижон вилояти Андижон шаҳар, Асака, Олтинкўл ва Андижон туманлари
4	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш шартлари ва босқичлари	Инвестиция киритиш муддати – 20__ - 20__ йил (__ йил) Битим муддати – 20__ - 20__ йил (__ йил)
5	ДХШ лойиҳаси қиймати	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича (концепцияда) талаб этиладиган инвестиция миқдори _____ млн. (млрд.) сўм
6	Харажатларни тиклаш ва даромад олиш манбалари	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматлари учун миждлар томонидан амалга оширилган тўловлар, ҳамда чиқиндиларни қайта ишлашдан топилган қушимча ва бошқа даромадлар.
7	Давлат таъминоти турлари ва хажмлари	ДХШ битимига мувофиқ

**Тендер иштирокчиси тугрисида
МАЪЛУМОТ**

3А: Умумий маълумотлар

Тендер иштирокчисининг тўлиқ юридик номи: _____

Тендер иштирокчиси раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Манзил ва телефон/факс рақами: _____

Электрон почтаси: _____

Юридик мақоми: _____

Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами: _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича): _____

№	Бириктирилган худуд (шаҳар ёки туман)	Бириктириш учун асос бўлган ҳужжат*	Бириктирилган сана	Хизмат кўрсатилаётган аҳоли сони-	Хизмат кўрсатилаётган юридик шахс сони
1					
2					
3					
...					

Изоҳлар:

* - Тегишли худудни бириктириш тўғрисидаги ваколатли давлат органнинг қарори ёки Е-иждро аукцион ғолиби билан тузилган битим нусхалари корхона муҳри билан тасдиқланган (аслига тўғри белгиси билан) бўлиши шарт.

Раҳбар:

Муҳр ўрни:

Тузилган сана: 2021 йил « _____ » _____

ЗБ: Тендер иштирокчисининг асосий мутахассислари ҳақида маълумотлар
(корхона раҳбари, транспорт соҳасидаги муҳандис, транспорт соҳасидаги иқтисодчи)

№	Ф.И.Ш. ва тугилган санаси	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Эгаллаган лавозими	Тендер иштирокчисида эгаллаган лавозимларда иш стажи (йиллар)	Санитар тозалаш билан боғлиқ булган иш тажрибаси (йиллар)
1					
2					
3					

Изоҳ: Мазкур жадвалда қўрсатилган ходимларнинг маълумотини тасдиқловчи ҳужжатлар (диплом) нусхаси ҳамда иш тажрибаси (стажисини) тасдиқловчи меҳнат дафтарчалари нусхаси, ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда (аслига тўғри белгиси билан) илова қилиниши шарт.

Раҳбар _____

Кадлар бўлими бошлиғи _____

Мухр ўрни

Тузилган сана: 2021 йил « _____ » _____

3В: Тендер иштирокчисини молиявий ахволи тўғрисида асосий кўрсаткичлар

1) **Қоплаш коэффиценти (тўловга қодирлик коэффиценти)** - ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффицентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффицент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{(TMЗ - НП) + ДЗ + ДС}{ТО}$$

Бунда:

TMЗ – товар моддий захиралар (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 140-сатр;

НП – тугалланмаган ишлаб чиқариш (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 160-сатр;

ДЗ – дебиторлар (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 210-сатр;

ДС – пул маблағлари жами (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 320-сатр;

ТО – жорий мажбуриятлар жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг II бўлим 600-сатр.

Агар тўловга қодирлик коэффиценти ҳисобот даври охирида 1,25 дан кам қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

2) **Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти** - ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффицент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$НСОС = (ИСС - ЗУ) + ДО - ДА$$

Бунда:

ИСС – ўз маблағлари манбалари жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг I бўлим 480-сатр;

ЗУ – таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бўйича қарзи (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 290-сатр;

ДО – узоқ муддатли мажбуриятлар жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг II бўлим 490-сатр;

ДА – узоқ муддатли активлар жами (ҳисобот даври охири), баланс активининг I бўлим 130-сатр;

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти ижобий ($НСОС > 0$) кўрсаткични ҳосил қилса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____ Бош ҳисобчи _____

Мухр ўрни

Тузилган сана: 2021 йил « _____ » _____

**Дастлабки малакани аниқлаш босқичида талабгорларнинг
малакасини баҳолаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар
Р Ў Й Х А Т И**

4А. Юридик ҳужжатлар:

- 1) Юридик шахс рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- 2) Юридик шахс Низомининг нусхасини. Консорциум иштирок этган тақдирда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 53-боби бўйича юридик шахс бўлмаган оддий шериклик) Низомнинг нусхаларини консорциумнинг барча иштирокчилари томонидан тақдим этилади;
- 3) Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, банк ҳисоб рақамларга таъин қўйилмаганлиги, молиявий-ҳўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги Мажбурий ижро бюро органлари (ёки бошқа ваколатли органлари) томонидан тасдиқланган маълумотнома (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талабгорнинг тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида талабгорнинг кафолат хати (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 5) Талабгорни таъсисчиларнинг корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш нияти йўқлигини тасдиқлаш кафолат хати;
- 6) Консорциум (оддий шерикчилик) шаклидаги жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг бирлашмалари танловида иштирок этган тақдирда, унинг иштирокчилари ўз малака талабларини тасдиқлаш учун тендер ҳужжатларнинг 19-банда белгиланган қўшимча ҳужжатларни тақдим этадилар.

Талабгорлар ўз хоҳишларига кўра малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этишлари мумкин.

4Б. Молиявий ҳужжатлар:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги қонунчилигига ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган, охири (ўтган) уч тўлиқ молиявий йил учун молиявий ҳисоботлар (Ф-1 ва Ф-2 шакллар ва бюджетга тўловлар ҳақида маълумот), мансабдор шахсларнинг муҳри ва имзоси билан ҳамда Давлат солиқ инспекция электрон тизимида топширилганлиги тўғрисида тасдиқловчи ҳужжат билан;
- 2) Талабгорнинг асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамларида пул мавжудлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банк хати (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 3) Талабгорнинг мулк ҳуқуқини ҳамда кўчмас ва кўчар мулкнинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар («Мулк рўйхатни») нусхалари (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талабгорнинг картотека №2, банк ссудалари бўйича қарздорлиги мавжудлиги/йўқлиги, талаб қилиб олинганча миллий ва хорижий валютадаги асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиги, ҳамда улар бўйича сўнгги 2 йиллик айланмалар (оборот) ҳақида хизмат кўрсатувчи банклардан Маълумотномалар (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*).

Тендер комиссияси дастлабки малакалаш босқичида тақдим этилган маълумотларни ишончлигини текшириш, заруратга кўра қўшимча маълумотлар ва ҳужжатлар талаб этишга ҳақли ҳисобланади. Талабгорлар томонидан юридик ёки молиявий ҳужжатлардан бири тақдим этилмаслиги ёки юқорида белгиланган талаблар асосида тақдим этилмаслиги Тендер комиссияси томонидан талабгорни дастлабки малакалашдан ўтмаган деб топиш ёки дисквалификация қилиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлар

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p>А) Талабгорнинг санитар тозалаш соҳага оид махсус тажрибаси (юқоридаги 3-илова «А-банди»):</p> <ul style="list-style-type: none"> • Санитар тозалаш соҳасидаги хизматларни тақдим этиш тажрибаси: (3 йил ва ундан ортиқ тажрибага максимал 20 балл; 1 йилдан 3 йилгача 10 балл, 1 йилдан кам тажрибага 5 балл, умуман тажрибага эга бўлмаган корхонага минимал 0 балл). 	20
<p>Б) Талабгорнинг асосий мутахассислар малакаси (юқоридаги 3-илова «Б-банди»):</p> <ul style="list-style-type: none"> • Корхона раҳбари – 8 балл • Мухандис – 6 балл • Иқтисодчи – 6 балл <p><i>Бунда айнан шу корхонада фаолият юритаётган ҳодим стажига қараб баҳоланади. Юқорида айтилган ҳар бир асосий мутахассис қўйидагича баҳоланади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> ✓ умумий малака (маълумоти): олий (40%), урта-махсус (20%) ва урта (10%); ✓ санитар тозалаш соҳага оид махсус тажриба: 3 йил ва ундан ортиқ (60%), 1 йилдан 3 йилгача (40%) ва 1 йилдан кам стаж (20%). (керакли иш стажини мавжуд бўлмаган тақдирда 0 балл берилмайди) 	20
<p>В) Талабгорнинг молиявий аҳволи (юқоридаги 4-илова «Б-банди») :</p> <ul style="list-style-type: none"> • Охириги йиллик молиявий ҳисобот бўйича кўрилган соф фойда кўрсаткичи (Ф-2 шакл) – 10 балл <p><i>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган баллари улусини аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, қолган иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Бунда соф фойда молиявий ҳисоботда акс этмаган иштирокчига балл берилмайди.</i></p> <p><i>Мисол: Иштирокчилар сони 5 та бўлганда (10/5=2). Юқори кўрсаткич 10 балл, иккинчи яхши кўрсаткич эгаси 8 балл, учинчи яхши кўрсаткич 6 балл, тўртинчи кўрсаткич 4 балл ва охириги ижобий кўрсаткич эгаси 2 баллга эга бўлади.</i></p>	10
<ul style="list-style-type: none"> • Охириги йиллик молиявий ҳисоботи бўйича қоплаш коэффиценти (туловга қодирлик) бўйича (юқори – 10 балл, меъёрдан биров баланд 5 балл, меъёрдан паст – 0 балл). (юқоридаги 3-илова «В-банди 1-қисми») <p><i>Бунда юқори кўрсаткич иштирокчиси максимал баллга, қолган қоплаш коэффицентига (туловга қодирлик) эга бўлган иштирокчилар максимал баллнинг 50% миқдорига, қоплаш коэффиценти меъёрдан паст бўлган кўрсаткич</i></p>	10

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p>иштирокчиси 0 баллга эга бўлади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўз айланма маблаглари билан таъминланганлик кўрсаткичи бўйича (юқоридаги 3-илова «В-банди 2-қисми») <p>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган баллари улуши аниқланади. энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, қолган иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Ижобий кўрсаткичга эга бўлмаган иштирокчига балл берилмайди.</p> <p>Г) Талабгорнинг юридик ахволи (юқоридаги 4-илова «А-банди»):</p> <ul style="list-style-type: none"> • Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, ҳисоб рақамларга тақик қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги (булар ҳақида тасдиқловчи маълумотномалар мавжуд бўлган тақдирда 10 балл, ушбу маълумотларнинг барчаси ёки бири мавжуд бўлмаган тақдирда 0 балл берилади): <p style="text-align: right;">10</p> • Ишлаб чиқариш бинолари, ускуналар, машиналар ва механизмларнинг мавжудлиги (ха – 100%, йук 0%): <p style="text-align: right;">10</p> • Талабгорнинг юридик шасх ёки яққа тартибдаги тadbиркор сифатида рўйхатга олинган санасидан бошлаб умумий молиявий-хўжалик фаолияти даври (0 йилдан - 3 йилгача 50%, 3 йилдан - 5 йилгача 75%, 5 йилдан юқори бўлганда 100%) <p style="text-align: right;">10</p> 	<p style="text-align: center;">10</p> <p style="text-align: center;">10</p> <p style="text-align: center;">10</p>
ЖАМИ	100

Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш минимал ўттиш баллари: 60 балл